O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2007 йил 8 сентябрь, № 179 (4332) Шанба

# ОЗОД ВА ОБОД ЮРТ ДУРДОНАСИ

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 7 сентябрь куни Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигига бағишланган тантаналарда иштирок этди

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ МАРҒИЛОН ШАҲРИНИНГ 2000 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Бугун, мана шу муборак кунда сиз азизлар билан қадимий ва навқирон Марғилон шаҳрининг 2000 йиллик тўйи муносабати билан шу табаррук заминда тўпланиб турибмиз.

Барчангизни, аввало, кўпни кўрган, бағрикенг ва оққўнгил Марғилон элини, Фарғона водийси аҳлини, бутун халқимизни ана шу қутлуғ айём билан чин қалбимдан муборакбод этишдан бахтиёрман.

Мана шу тантанали маросимда иштирок этаётган чет эллик ҳурматли меҳмонларимизни самимий қутлаб, уларга сизларнинг номингиздан, халқимиз номидан эзгу тилаклар билдиришга ижозат бергайсиз.

Азиз дўстлар, биродарлар!

Бугун барчамиз учун ҳақиқатан ҳам қувончли ва унутилмас тарихий кун. Яъни, Марғилон шаҳрининг дунёда эътироф этилган энг қадимий шаҳарлар рўйхатига киритилиши, бу муқаддас заминда туғилиб яшаб ўтган буюк аждодларимизнинг келажак авлодларга қолдирган бебаҳо меросини, ноёб тарихий обидалар ва табаррук қадамжоларни ардоқлаб, ўтмишга ҳурмат ва эҳтиром намунасини кўрсатиб келаётгани, бир сўз билан айтганда, Марғилон шаҳрининг жаҳон маданияти ва цивилизациясига қўшган улкан ҳиссасининг ЮНЕСКО ва унинг тимсолида халқаро жамоатчилик томонидан тан олиниши, албатта, барчамизга катта ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Чиндан ҳам, бундан йигирма аср муқаддам Марғилонсой соҳилларида вужудга келган, юртимиздаги илк одамзод масканларидан бири бўлган бу шаҳар ўлкамизда ўтроқ ҳаёт, юксак деҳқончилик ва суғориш маданияти олис замонларда шаклланганини ва равнақ топганидан далолат беради.

Кўҳна Марғилон замини ўзининг ноёб ҳунармандчилик маҳсулотлари билан Миср ва Юнонистон, Сурия ва Византия, Эрон ва Ҳиндистон, Хитой каби мамлакатларда маълуму машҳур бўлганини ҳам буни тасдиқлайди.

Табиийки, Марғилоннинг бошқа кўҳна шаҳарларга ўхшаш жиҳатлари бор, лекин у кўпгина ўзига хос белги-аломатлари билан алоҳида ажралиб туради.

Илмий манбалар, археологик қазишмаларнинг гувоҳлик беришича, Марғилон ўта ноёб бир хусусиятга эга бўлиб, 2000 йил олдин аждодларимиз айнан шу ерда илдиз отиб, шаҳар пойдеворини қургани ва орадан шунча вақт ўтганига қарамасдан, унинг ўз тарихий ҳудудида бугунги кунга қадар муқим ривожланиб келаётгани ҳар қандай одамни ҳам ҳайратда қолдиради.

Албатта, бу ҳолнинг асл сири ва сабабларини аниқлаш учун ҳали яна кўп тадқиқот ва изланишлар олиб бориш талаб қилинади.

Милоддан олдин пайдо бўлиб, Хитойдан то Испаниягача бўлган бепоён ҳудудни қамраб олган Буюк Ипак йўли қанча-қанча манзилу маконларни кесиб ўтган. Бу ҳақда гапирганда, шуни таъкидлаш кераки, бугун ана шу шаҳарларнинг аксарияти фақат қадимий хариталарда сақланиб қолганини кўриш мумкин.

Лекин Буюк Ипак йўлининг таъсири ва тарихий илдизларини, таъбир жоиз бўлса, унинг нафасини ўзида сақлаб келаётган Марғилондек шаҳарлар, ўйлайманки, ер юзида камдан-кам топилади.

Айниқса, бу гўзал диёр ҳанузгача бутун дунёни мафтун этадиган шоҳию адрас, ипак маҳсулотлар маркази бўлиб қолаётгани, бундай ўта нозик ҳунарнинг моҳир усталари шу юртда камолга етаётгани ҳам шуни исботлайди.

Айни пайтда Марғилон шаҳрининг миллий давлатчилигимиз ривожида ўзига хос из қолдиргани ҳам ҳозирги кунда кўп-кўп илмий далиллар асосида аён бўлмоқда.

Бунинг тасдиғини, аввало, олис ўтмишда бу ерда мустаҳкам қалъа ва саройлар, мудофаа иншоотлари, эллик чақирим наридан кўринадиган баланд минора мавжуд бўлгани, пул чиқариш йўлга қўйилгани мисолида кўриш мумкин.

Марғилон ҳақида сўз борар экан, буюк аждодимиз Бобур Мирзонинг, билаги зўр инсонлар, яъни, энг ботир полвонлар Марғилон заминидан чиқади, деган сўзлари, ҳеч шубҳасиз, бугунги ҳақиқатни ҳам ифода этади. Ўз-ўзидан равшанки, барча кўҳна шаҳарлар қатори Марғилон ҳам асрлар давомида турли синов ва суронларни бошидан кечирди. Лекин ана шундай жасур ўғлонлари, уларнинг ҳар қандай шароитда ҳам ўз юртини ёвуз кучлардан ҳимоя қилишга қодир бўлгани, фидойилиги ва матонати ҳисобидан Марғилон шаҳри, мана, икки минг йилдирки, ўзлигини сақлаб, ўтмишга ҳурмат ва эҳтиром билан қараб, безавол яшаб келмоқда.

Шу борада Марғилоннинг муқаддас ислом динимиз, мусулмончилик ақидаларининг равнақ топишига улкан ҳисса қўшганини алоҳида таъкидлаш ўринли, деб ўйлайман.

Бу шаҳарнинг тарихий қиёфасини ўзида мужассам этган Пурсиддиқ мажмуаси, Улуғмозор зиёратгоҳи, Увайсий мақбараси, Хожа Саид Аҳмад мадрасаси каби қатор меъморий обидаларни қайта тиклаб, тубдан таъмирлаганимиз бебаҳо маънавий меросимизни асраб-авайлаш йўлида яна бир амалий қадам бўлди.

Табаррук Марғилон диёрида дунёга келиб камол топган буюк алломалар миллий салоҳиятимиз, миллий тафаккуримиз қудратини намоён этадиган ўлмас асарлар яратгани ҳам бу заминнинг илоҳий хосиятидан далолат беради. Ҳеч шубҳасиз, бундай беназир зотлар, аввало, Оллоҳнинг назари тушган, унинг ўзи азиз қилган муқаддас жойдангина етишиб чиқади, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшиласиз.

Биз Марғилон деганда, аввало — нафақат Ўзбекистон, балки бутун ислом оламининг фахри бўлмиш Бурҳониддин Марғиноний бобомизнинг муборак номларини ҳурмат билан тилга оламиз.

Мусулмон уммати орасида «Ҳидоят йўлининг сарбони» деган юксак эътирофга сазовор бўлган бу мумтоз сиймонинг буюк мероси, ибратли ҳаёти ва маънавий жасорати тўққиз асрдан буён ўзининг улкан аҳамияти ва қадр-қимматини сақлаб келмоқда.

(Давоми 2-бетда).



*Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан амалга оширилган кенг кўламли ишлар натижасида маънавий сарчашмаларимиз қайта кўз очди. Айниқса, миллий қадриятларимизни тиклаш, тарихимизни чуқур ўрганиш, меъморий ёдгорликлар ҳамда зиёратгоҳларни асраб-авайлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Буюк алломаларимиз ва қадимий шаҳарларимизнинг юбилейлари халқаро миқёсда нишонланаётгани ҳам бунинг яққол далилидир.*

Самарқанд, Тошкент, Бухоро, Хива, Термиз, Шаҳрисабз, Қарши каби шаҳарларимиз Шарқнинг маърифат бешиги сифатида машҳур. Буюк Ипак йўлида жойлашган қадимий ва навқирон Марғилон ҳам мамлакатимизнинг шонли тарихи, миллий қадриятларимизнинг шаклланиши ва ривожланишида алоҳида ўрин тутади.

Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 9 ноябрда қабул қилинган "Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги қарорини бутун юртдошларимиз кўтаринкилик билан кутиб олди. Мазкур қарор миллий маънавиятимизни юксалтириш, Марғилондаги тарихий обидаларни тиклаш, уни обод этиш ва шаҳар аҳли фаровонлигини янада оширишда муҳим аҳамият касб этди.

Қадимий Марғилон бугун байрам оғушида. Барчанинг юзида, кўзида байрамона кайфият, шу юртдан, шу элдан, Истиқлолимиздан фахрланиш туйғуси акс этиб турибди.

Бой тарихи ва бетакрор маданияти, маънавият ва маърифати билан дунё халқлари диққатини ҳамиша ўзига тортган икки минг ёшли Марғилон бугун ҳар қачонгидан ҳам тароватли манзара касб этган.

Дарҳақиқат, қадимий шаҳар қисқа вақт ичида таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Юбилей муносабати билан барпо этилган иншоотлар орасида Ёшлар хиёбони алоҳида ўрин тутади. У аквапарк, 1400 ўринли амфитеатр, чойхона, интернет-кафе ва кўплаб аттракционларни ўз ичига олган. Қарийб 10 гектар майдонни эгаллаган хиёбоннинг каттагина қисми кўкаламзор.

...Қутлуғ тўй сururидан янада гўзал ва кўркам қиёфа касб этган ушбу хиёбон марказидаги амфитеатр Марғилон юбилейи шодиёналарининг иштирокчилари — Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлар, хорижий давлатларнинг мамлакатимиздаги элчихоналари, халқаро ташкилотлар ваколатхоналари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари билан гавжум.

Соат 18.30. Юбилей тантаналари бошланишидан дарак бериб чорлов мусиқаси янграйди.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга берилади.

Давлатимиз раҳбари тантана иштирокчиларини, уларнинг сиймосида Фарғона аҳлини, бутун халқимизни Марғилон шаҳрининг 2000 йиллик юбилейи билан муборакбод этди. Бугунги кунда Марғилон шаҳри нафақат тарихий маскан, балки навқирон ва замонавий шаҳарга айланганлиги истиқлол берган имкониятлар ва халқимизга хос бунёдкорлик салоҳиятининг ёрқин далили эканлигини алоҳида таъкидлади.

ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Анна Паолини байрам аҳлига мазкур халқаро ташкилот бош директори Коичиро Мацууранинг байрам табригини етказар экан, Марғилон ўзининг бой тарихи, маданияти ва маънавияти, ҳунармандчилик анъаналари билан дунё халқларини доимо ҳайратга солиб келганлигини қайд этди.

Тантанада сўзга чиққан марғилонлик қурувчи Камолиддин Йўлдошев, Марғилон тиббиёт коллежи ўқувчиси Зилола Болтабоева мустақиллик йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида муқаддас заминимиздаги цивилизация бешикларидан бўлган қадимий шаҳарларимизнинг қутлуғ тўйларини нишонлаш мамлакатимизда хайрли анъанага айлангани, юртимизнинг барча гўшаларида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётганини таъкидладилар. Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ кенг қамровли чора-тадбирлар шаҳарнинг тубдан ободонлашуви, тарихий обидаларининг тикланиши, аҳолининг яшаш ва меҳнат шароити яхшиланишида, кишилар кайфиятининг янада кўтарилишида жуда катта аҳамият касб этгани учун Юртбошимизга миннатдорлик изҳор этдилар.

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 январдаги қарорига мувофиқ, Марғилоннинг буюк фарзанди — жаҳон халқларининг маънавий тараққиётига, хусусан, фиқҳ илмининг ривожига улкан ҳисса қўшган Бурҳониддин Марғиноний таваллудининг 910 йиллиги кенг нишонланди. Улуғ аждодимиз шарафига шаҳар марказида муҳташам ёдгорлик мажмуи бунёд этилди. Бугунги кунда мазкур мажмуа нафақат Фарғона водийси аҳлини, балки барча юртдошларимиз ва хорижлик меҳмонларнинг қутлуғ зиёратгоҳларидан бирига айланди.

Шуни таъкидлаш жоизки, Марғилон тўйига тайёргарлик доирасида амалга оширилган ишлар миқёси ва мазмуни, аввало, шаҳардаги тарихий обидаларнинг қайта тикланишида яққол намоён бўлди. Бир қанча қадимий масканлар ва зиёратгоҳларда кенг кўламдаги қурилиш ҳамда ободонлаштириш ишлари бажарилди.

Давлатимиз раҳбари Марғилонга ташрифи чоғида ана шундай иншоотлардан бири — Саид Аҳмад Хўжа Эшон мадрасасида бўлди.

1870-1875 йилларда Фарғона меъморчилиги услубида қурилган бу бино айни вақтда марғилонлик ҳунармандлар марказига айлантирилган. Бу иморат ўз даврининг таниқли зиёлиларидан бўлган Саид Аҳмад Хўжа томонидан бунёд этилган. Бу маърифатпарвар тадбиркор маҳалласидаги болаларнинг илм-маърифатли бўлишини истаб, савобли ишга қўл урган — ушбу бинони — мадрасани қурдирган.

Мажмуада Марғилоннинг 2000 йиллик тўйига бағишлаб ҳунармандлик ва халқ амалий санъати намуналари кўргазмаси ташкил этилди. Унда вилоятнинг турли ҳудудларидан келган ҳунармандлар ўз маҳсулотлари — мискарлик, зардўзлик, адрас, атлас, гиламчилик буюмлари билан иштирок этди. Юртбошимиз уларни кўздан кечирар экан, атлас, адрас ва гилам нусхалари ўзининг бетакрор миллий нақши, табиий бўёқлари, тоза ипакдан тайёрланганлиги билан эътирофга сазовор эканини қайд этди. Шу билан бирга, ҳунармандларни хом ашё билан таъминлаш, маҳсулотларини кўпайтириш ва сотишда уларга ҳар томонлама ёрдам бериш зарурлигини таъкидлади.

— Ёшларимиз замонавий касб-ҳунарларни эгаллаш билан бирга, халқимизнинг қадимий ҳунармандчилик анъаналарини қайта тиклаш ва изчил давом эттириш борасидаги

(Давоми 2-бетда).

*Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялаш шароитида маҳалла, овул, қишлоқ ва шаҳарча фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг роли ҳамда ваколатларини кучайтириш масаласи давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятидаги муҳим йўналишлардандир.*

## ҚОНУН ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек, "давлат ҳокимияти марказий органларининг бир қатор ваколат ва вазифаларини, аввало мбор, иқтисодий ва ижтимоий масалаларни ҳал этиш, бюджет ташкилотларини, коммунал хўжалик ва ободонлаштириш ишларини молиялаштириш, одамларни иш билан таъминлаш ва аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ваколатларини маҳаллий ҳокимият, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳаллаларга босқичма-босқич ўтка-

(Давоми 2-бетда).

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноб Президент,

Мамлакатингизнинг миллий байрами нишонланиши муносабати билан Жазоир халқи ва ҳукумати номидан ва шахсан ўз номимдан Сизга қизғин табрикларимни, дўст ўзбек халқига эса доимий тараққиёт тилаб билдирган истакларимни йўллаш менга ҳузур бағишлайди.

Шу муносабат билан Жазоир ва Ўзбекистон халқларининг ўзаро манфаатлари йўлида мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик риштaларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш учун Сиз билан биргаликда саъй-ҳаракат кўрсатишга қатъиятим борлигига Сизни яна бир бор ишонтиришдан мамнунман.

Президент Жаноблари, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

**Абдилазиз БУТЕФЛИКА,**
**Жазоир Халқ Демократик Республикаси Президенти**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги куни муносабати билан ғоят самимий қутловларимни қабул қилгайсиз.

Ушбу шонли байрам кунида Сизга ва Ўзбекистон Республикасининг дўст халқига бахт-саодат, фаровонлик ва равнақ тилайман.

Ишончим комилки, давлатларимиз ўртасида қарор топган анъанавий дўстона муносабатлар бундан буён ҳам Арманистон ва Ўзбекистон халқлари манфаати йўлида ривожланиб, чуқурлашиб бораверади.

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, фурсатдан фойдаланиб, Сизга бўлган ғоят юксак ҳурмат-эҳтиромимни яна бир бор изҳор этаман.

Эҳтиром ила,

**Роберт КОЧАРЯН,**
**Арманистон Республикаси Президенти**

(Давоми 2-бетда).

## ЮҚОРИ СИФАТ — ЮКСАК РАҚОБАТБАРДОШЛИК КАФОЛАТИ

*Тошкентда 17-19 сентябрь кунлари III Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси бўлиб ўтади. Бу ерда барча савдо "Сифат" Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази томонидан махсус тайёрланган тола намуналари асосида амалга оширилади. Бу йил Ўзбекистон мамлакатимиздаги ва хорижий истеъмолчиларга таклиф этадиган толанинг сифати қандай? ЎзА мухбири "Сифат" маркази бош директори Валерий Устюгинга ана шундай савол билан мурожаат қилди.*

— Мамлакатимизда етиштирилган пахта толаси ташқи бозорда ўзининг юксак рақобатбардошлиги билан машҳурдир, — дейди В.Устюгин. — Ўзбекистон дунёда пахта етиштириш бўйича бешинчи, уни экспорт қилиш бўйича эса иккинчи ўринда туради. Президент Ислом Каримов ташаббуси билан ўтказилаётган халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси бу йил учинчи маротаба ташкил этилмоқда. Иштирокчилар сонининг муттасил кўпайиб бораётгани дунёда унга қизиқишнинг кучаяётганидан дарак беради. Масалан, 2005 йилда Тошкентга ярмаркада иштирок этиш учун 30 мамлакатдан 169 нафар вакил келган бўлса, 2006 йилда 36 мамлакатдан 250 дан ортиқ вакил ташриф буюрди. Жорий йилда унда қатнашиш истагини билдирганлар сони янада кўп.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда пахтачилик соҳасида туб ислоҳотлар амалга оширилди. Бу Ўзбекистонда нафақат пахтани экспорт қилиш, балки ишлаб чиқаришнинг ушбу соҳа билан боғлиқ бошқа тармоқлари, жумладан, тўқимачилик саноатини жадал ривожлантириш имконини берди. Буларнинг барчаси Юртбошимизнинг иқтисодиётимиздаги ислоҳотларни изчил амалга ошириш, унинг самарадорлиги ва рақобатбардошлигини янада кучайтиришга қаратилган сиёсатининг бевосита натижасидир.

Бугунги кунда жаҳон бозоридаги кескин рақобатчилик шароитида пахтамиз харидоргир бўлиши учун унинг сифатига янада жиддий эътибор қаратиш зарур. Шу сабабли республикамизда пахтанинг селекция навларини яхшилаш бўйича катта ишлар амалга оширилаётир, уни етиштириш технологияси такомиллаштирилмоқда. Ҳозир мамлакатимиз пахта далаларида истеъмолчиларнинг барча эҳтиёжларига мос навлар етиштирилмоқда. Айниқса, жаҳонда халқаро стандартларга жавоб берадиган ўрта толали пахтага талаб жуда юқори. Бу борада фермерларга тегишли услубий ёрдам кўрсатиш, уларни ўқитиш йўлга қўйилди. Шунингдек, пахта заводларида етиштирилган ҳосилни қайта ишлаш сифатини оширишга йўналтирилган чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Толани таснифлаш ва сертификатлаш тизимида ислоҳотларни амалга ошириш, уни халқаро пахтани синаш тизимига интеграциялаштириш борасида ҳам муҳим ишлар бажарилди. Ўзбекистонда пахта толасини ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилардан мустақил равишда ҳамда мажбурий сертификатлаш тизими жорий этилди. Бу ишни "Сифат" маркази амалга оширади. Марказимизда лаборатория ва ҳар бир вилоятда унинг бўлимлари мавжуд. Улар энг замонавий асбоб-ускуналар — HVI тизими билан жиҳозланган. Ушбу тизим ёрдамида толанинг узунлиги, пишиқлиги, микронейри, ифлослиги, чўзинчоқлиги каби хусусиятлари аниқла-

(Давоми 2-бетда).

# ОЗОД ВА ОБОД ЮРТ ДУРДОНАСИ

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ МАРҒИЛОН ШАҲРИНИНГ 2000 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Марғилоннинг мўътабар заминида бу улуғ зотнинг кўплаб сафдош ва издошлари илму маърифат, дину диёнатни юксалтириш йўлида беқиёс хизматлар қилгани ҳам кейинги йилларда ўз исботини топаётгани эътиборга сазовор.

Айниқса, ислом ҳуқуқи ва фалсафаси ривожига муносиб ҳисса қўшган Ҳасан Марғиноний ва Заҳириддин Марғиноний, Муҳаммад Марғиноний каби алломаларнинг ҳаёти ва фаолиятини атрофлича ўрганиш, жамоатчиликка етказиш бўйича бошлаган ишларни давом эттиришимиз зарур.

Ана шундай сиймолар қаторида аёл қалбининг гўзаллиги, пок муҳаббат, вафо ва садоқат туйғуларини куйлаб ўтган атоқли шоира Жаҳон отин — Увайсий ўзининг бетакрор ижоди билан тарихимизда муносиб ўрин эгаллайди.

Энг муҳими шундаки, бундай бебаҳо мерос намуналари бугунги кунда ҳам маънавиятимизни юксалтириш, ёш авлодимизни иродаси бақувват, иймон-эътиқодини мустаҳкам этиб тарбиялашда беқиёс хизмат қилмоқда.

Ўйлайманки, ана шу улуғ зотларнинг руҳи покларини шод қилиш мақсадида уларнинг қадамжоларини ҳар томонлама обод қилиб, хотираларига ҳурмат-эҳтиром бажо келтираётганимиздан, аввало, ўзимиз руҳий қувват, маънавий мадад топмоқдамиз.

Азиз дўстлар!

Марғилон заминининг ўзига хос хусусият ва аломатлари ҳақида яна кўп гапириш мумкин. Лекин бу шаҳарга минг йиллар давомида алоҳида файз ва тароват бағишлаб келаётган Марғилон аҳлини ҳар қанча таърифласак, ҳар қанча улуғласак арзийди, албатта.

Ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, меҳмондўстлик, ширин сўз ва муомала, одоб-ахлоқ ва андиша каби фазилатлари билан ажралиб турадиган, ҳатто боласини ҳам сизлаб гапирадиган Марғилон аҳли доимо бошқаларнинг ҳавасини ўзига тортиб келади.

Шахсан мен Марғилоннинг чеҳраси очиқ, юз-кўзидан нур ёғилиб турадиган фариштадек нуроний оқсоқолларини кўрганда, уларнинг қўлини олиб, ҳол-аҳвол сўрашиб, марғилонча айтганда, отамлашиб суҳбат қургим келади. Ўзининг меҳнаткаш ва чеварлиги билан ном қозонган, ота-боболаримиздан қолган ажойиб касбу ҳунарларнинг соҳибаси бўлиб, шу билан бирга, замонавий билим ва малака эгаси бўлмиш Марғилон аёллари, меҳрибон ва мунис аяжонлар ҳар қандай юксак ҳурмат ва таҳсинга сазовордир.

Ишончим комилки, Марғилонда лоақал бир марта бўлган кишининг хаёлида бу шаҳар аҳлининг истараси иссиқ, самимий қиёфаси узоқ вақт сақланиб қолади.

Биз Марғилоннинг қутлуғ тўйи муносабати билан ана шу одамларнинг оғирини енгил, узоғини яқин қилишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйиб, янги уй-жойлар, бозор ва дўконлар, замонавий корхоналар қуриш, янги-янги йўллар, газ ва сув, алоқа тармоқларини барпо этиш, тиббиёт ва транспорт, маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш, бир сўз билан айтганда, марғилонликларнинг ҳаёт даражасини кўтаришга қаратилган катта бунёдкорлик ишларини амалга оширганимиздан барчангиз хабардорсиз.

Айниқса, Марғилонда туғилиб, унинг тупроғини кўзига тўтиё қилиб яшайдиган болаларимизнинг истиқболини ўйлаб, уларнинг соғлом ва баркамол вояга етиши учун барча шарт-шароитларни яратиб бериш мана шу юбилей тадбирларининг асосий мақсади ва моҳиятини белгилайди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Шу ўтган қисқа муддатда шаҳарда янги тиббиёт коллежи ва замонавий мактаблар, Ёшлар хиёбони, аквапарк, ёпиқ сув саройи, муҳташам амфитеатр барпо этилгани, Болалар ижодиёти маркази, бир қатор мактаб ва боғчалар, 7 та поликлиника капитал таъмирлангани, шаҳар туғуруқхонаси тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлангани ва бошқа кўп-кўп ишларимиз барчамизга катта мамнуният етказади. Нега деганда, бу дунёда одамзод учун ўз фарзандининг бахтини, камолини кўришдан ортиқ саодат йўқ.

Марғилоннинг қутлуғ тўйи муносабати билан бу ерда бажарган ишларимиз ҳақида кўп гапирмасдан биргина рақамни келтириш ўринли деб биламан.

Шаҳардаги қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларига жами бўлиб 30 миллиард сўмга яқин маблағ сарфланганининг ўзи амалга оширилган ишларнинг ҳажми ва кўламини яққол кўрсатиб турибди.

Муҳтарам дўстлар!

Марғилон деганда, ўзбек маданияти тарихида улкан ўрин тутадиган буюк санъаткорлар сиймоси беихтиёр кўз ўнгимизда жонланади.

Мана шу заминда униб ўсган, ҳар бири ўзига хос бетакрор ижодий мактаб яратган Юсуфжон қизиқ Шакаржонов ва Уста Олим Комилов, Муҳиддин Қориёқубов, Тамарахоним ва Гавҳархоним, Маъмуржон Узоқов ва Жўрахон Султонов, Саодат Қобулова ва Берта Давидова сингари ўнлаб мумтоз санъаткорларимизнинг номларини эл-юртимиз ҳамиша эъзозлаб келади.

Айнан Марғилондан — ҳаётни, гўзалликни севадиган, адабиёт ва санъатни теран тушунадиган, истеъдод ва қобилиятни юксак қадрлайдиган одамлар яшайдиган маънавий муҳитдан мана шундай улуғ санъаткорлар етишиб чиқиши асло тасодиф эмас, аксинча, қонуний бир ҳол, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Буюк адибимиз Абдулла Қодирий ўзининг «Ўткан кунлар» романида гўзал ва оқила Кумуш сиймосини айнан ҳаётдан олиб тасвирлагани учун ҳам орадан юз йил ўтган бўлса ҳамки, китобхон халқимиз Марғилон деганда, аввало, ана шу ўлмас образни хаёлидан ўтказади.

Буларнинг барчаси Марғилон аҳлининг асл инсоний фазилатлар, миллий қадриятларимизни қанчалар эъзозлаб, кўз қорачиғидай асраб келаётганини, унинг маънавий олами нақадар бой ва юксак эканини яна бир бор тасдиқлайди.

Шу фурсатдан фойдаланиб, нуфузли ЮНЕСКО халқаро ташкилотига, шу тўйни ўтказишга муносиб ҳисса қўшган, Марғилон шаҳрини доимо ҳурмат билан тилга оладиган узоқ-яқиндаги барча дўсту биродарларимизга чин қалбимдан миннатдорлик билдираман.

Марғилон шаҳрининг қиёфасини тубдан ўзгартириш, одамнинг ҳавасини уйғотадиган янги равон йўллар, гўзал майдон ва хиёбонлар, шинам тураржойлар, маданий-маиший иншоотларни бунёд этишда фидокорона меҳнат қилган қурувчи ва муҳандислар, ана шу эзгу ишга хизмати сингган барча инсонларга самимий ташаккур изҳор этаман.

Азиз юртдошлар!

Бугун Марғилоннинг 2000 йиллик санасига бағишланган саъй-ҳаракатларимиз, амалга оширган ишларимиз ҳақида гапирар эканмиз, бу байрамни Хива, Самарқанд ва Бухоро, Қарши ва Термиз, Шаҳрисабз каби қадимий шаҳарларимизнинг тўйлари қаторида ўтказилаётганини, аввалambor, юртимизнинг нақадар кўҳна ва шонли тарихга эга бўлгани, биз яшаётган бу заминнинг ҳар қарич ери муқаддас эканининг яққол далили ва исботи сифатида қабул қилишимиз даркор.

Агарки бу масалага холисона қарайдиган бўлсак, бундай юксак шарафга муносиб бўлган шаҳар ва масканлар юртимизда кўп. Фақатгина мана шу Фарғона водийсининг ўзида латиф шаҳар деб ном олган Қўқон, қадимий Андижон, гўзал Наманган, кўҳна Ахсикент каби тарихимизда чуқур из қолдирган шаҳар ва қўрғонларнинг номларини улуғлаш ва уларнинг ҳам қутлуғ саналарини кенг миқёсда нишонлаш — буларнинг барчаси бизнинг олдимизда турган катта вазифадир.

Насиб этса, уларнинг тўйларига бағишланган тайёргарлик ишларини ва тантаналарини барчамиз биргаликда ўтказамиз, иншооллоҳ.

Азизларим, қадрдонларим!

Одамга мамнуният ва хурсандчилик етказиб, қалбимизни ғурур ва ифтихорга тўлдирадиган мана шундай шукуҳли дамларда сизларга ўзимнинг чуқур ва самимий ҳурмат ва эҳтиромимни билдириб, барчангизга сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга файзу барака, ишларингизга янгидан-янги омадлар тилайман.

Марғилон шаҳрининг, она Ўзбекистонимизнинг шуҳрати янада зиёда бўлсин!

Оллоҳнинг ўзи барча эзгу ишларимизда мададкор бўлсин!

(Давоми. Боши 1-бетда).

ишлардан ҳам четда турмасликлари керак, — деди Президентимиз ҳунармандлар билан мулоқот чоғида. — Бунда, айниқса, миллий ўйинчоқларни тиклаш, янгиларини яратишга алоҳида эътибор қаратиш даркор. Чунки, бола тарбиясида ўйинчоқларнинг аҳамияти жуда катта.

Марғилондан кўплаб азиз-авлиёлар ва фозил зотлар етишиб чиққан. Ислом дунёсининг буюк алломаси, машҳур "Ҳидоя" асарининг муаллифи Бурҳониддин Марғинонийнинг ҳаёти ва фаолиятини ушбу шаҳарнинг энг қадимий масканларидан бири — Пурсиддиқ мажмуаси билан боғлаган ҳолда талқин этадилар. Манбаларга кўра, ҳазрат 9 ёшида шу даргоҳга келиб, 13 йил давомида илму урфон ўрганган. "Ҳидоя"нинг биринчи қисмини айнан шу ерда ёзган.

Юртбошимизнинг эътибори ва ғамхўрлиги билан диёримиздаги кўплаб муборак қадамжолар сингари бу мажмуа ҳам тубдан таъмирланиб, ободонлаштирилди. Қутлуғ тўй муносабати билан бу ерда катта қурилиш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилди.



Мамлакатимиз таълим-тарбия тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар замирида баркамол авлодни тарбиялашдек эзгу ният мужассам. Марғилон шаҳрида ҳам қатор замонавий таълим даргоҳлари қурилди.

Президентимиз ана шундай билим даргоҳларидан бири 32-мактабнинг янги биноси билан танишиш чоғида мақсад таълим масканларининг ташқи қиёфасини ўзгартириш, улардаги шароитни яхшилашдангина иборат эмас, балки олиб бориладиган таълим-тарбия жараёнининг мазмун-моҳиятини янада чуқурлаштиришдан, ҳар жиҳатдан соғлом авлодни тарбиялашдан иборат эканлигини алоҳида таъкидлади.

Юбилейга тайёргарлик жараёнида ёшларнинг билим олиши, маданий ҳордиқ чиқариши ва спорт билан шуғулланиши учун зарур шарт-шароит яратиш масаласига катта эътибор қаратилди. Жумладан, замонавий ёпиқ сув ҳавзаси барпо этилди. У 600 куб метр сиғимга эга. Унда бир кунда 180 нафар ўқувчи спорт билан шуғулланиши мумкин. У сувни тозалаш ва иситишга мўлжалланган замонавий жиҳозлар билан таъминланган.

Юртбошимиз Марғилон шаҳрининг қутлуғ тўйи муносабати билан бунёд этилган Марказий деҳқон бозорида ҳам бўлиб, сотувчи ва харидорлар учун яратилган шарт-шароитларни кўздан кечирди.

Замонавий талабларга жавоб берадиган янги бозор мажмуаси таркибида салкам 1400 савдо ўрни мавжуд. Озиқ-овқат маҳсулотларини санитария кўригидан ўтказиш учун зарур лаборатория ва маъмурий бино қурилган. Бозор савдо расталарининг муайян қисми вилоятдаги фермерлар ва агрофирмалар ихтиёрига берилган бўлиб, бу шаҳар аҳолисини сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Шаҳарнинг Мустақиллик, Туркистон, Бурҳониддин Марғиноний, Аҳмад ал-Фарғоний, Янги Фарғона, Янги ҳаёт, Алишер Навоий, Аҳмад Яссавий номидаги кўчалари янада обод бўлди. Замонавий уй-жойлар қурилди, йўллар таъмирланди.

Шаҳарда телефон алоқаси хизматининг сифат даражасини ошириш йўлида рақамли технологияга асосланган иккита АТС ишга туширилди.

Транспорт хизматини янада яхшилаш учун янги автобуслар харид қилинди. Сайёҳликни ривожлантириш ишлари ҳам изчил олиб борилаётир. Табиийки, бунда янги бунёд этилган "Адрас" меҳмонхонаси муҳим ўрин тутади.

Шаҳар инфратузилмасини тубдан яхшилаш мақсадида кўплаб маҳаллаларда янги сув тармоғи қуриш, магистрал газ тармоғини ҳалқалаштириш, ичимлик сув, оқава сув тармоқларини капитал таъмирлаш, электр энергияси таъминотини янада такомиллаштириш ишлари олиб борилди.

Янги саноат корхоналари ташкил этиш, мавжудларини модернизациялаш борасида бир қатор ишлар қилинди. Хусусан, "Марғилон текстил" Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси ишга туширилди. Яна учта қўшма корхонада монтаж ва дастгоҳлар ўрнатиш ишлари якунига етмоқда. Саноат корхоналари дастгоҳларини замонавийлаштириш, янги турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқаришни реконструкция қилиш, уй меҳнати ва оилавий бизнесни ташкил этиш йўли билан 4310 янги иш ўрни очилди.

Энг муҳими, Марғилон шаҳрида амалга оширилган барча эзгу ва хайрли ишлар ечимида, даставвал, инсон манфаатлари устувор экани ҳамиша эътиборда бўлиб келмоқда.

Шаҳар юбилейига бағишланган бадиий дастурда ана шу улуғвор бунёдкорлик ва яратувчанлик ишлари, эл-юртимизнинг шонли тарихи, саодатли бугуни ва буюк истиқболи мадҳ этилди, театрлаштирилган саҳналарда кўҳна ва навқирон Марғилоннинг ўтмиши ва ҳозирги куни ҳақида ранг-баранг лавҳалар намойиш этилди.

Куй қўшиққа, қўшиқлар рақсларга уланди. Истиқлол, истиқбол, она-юрт фаровонлиги, тинчлигини тараннум этувчи наволар янгради.

Ҳа, дунёга донғи кетган, азалдан миллий урф-одатларимиз, моҳир ҳунармандлар маскани бўлиб келган, озод ва обод юртимиз дурдонаси — қадимий Марғилон истиқлол шарофати билан замонавий шаҳар сифатида бугун қайтадан намоён бўлди.

Улуғ тўйинг муборак бўлсин, Марғилон!

**Ғулом МИРЗО,**
**Маъсуджон СУЛАЙМОНОВ,**
**ЎзА махсус мухбирлари.**
**Дилшод ЮСУПОВ**
**олган суратлар.**

# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Мамлакатингизнинг миллий байрами муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ўзимнинг самимий табрикларимни йўллайман.

Сиз, Жаноби Олийларига сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, дўст ўзбек халқига доимий тараққиёт тилайман.

Эҳтиром ила,

***Тамим бин Ҳамад Ол СОНИЙ,***
***Қатар Давлати валиаҳди***

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Мамлакатингизнинг Мустақиллик куни муносабати билан Бирлашган Араб Амирликлари халқи ва ҳукумати ҳамда ўз номимдан Сиз, Жаноби Олийларига самимий табрикларимни изҳор этиш ва эзгу тилакларимни йўллашдан бениҳоят мамнунман.

Сиз, Жаноби Олийларига бахт-саодат, дўст ўзбек халқига доимий равнақ тилайман.

***Муҳаммад бин Рошид Ол МАКТУМ,***
***Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти,***
***Бош вазири, Дубай амирлиги ҳокими***

# ҚОНУН ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

зиш жараёни амалга оширилмоқда". Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолият олиб бориши учун тегишли ҳуқуқий база яратилди.

"Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига биноан, фуқароларимиз шаҳарчаларда, қишлоқларда, овуллар ва маҳаллаларда ўзини ўзи бошқаришга бўлган конституциявий ҳуқуқларини фуқаролар йиғинлари орқали, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари билан боғлиқ кафолатларга мувофиқ равишда амалга ошириб келмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси Гулистон шаҳрида 7 сентябрь куни ўтказган қўшма мажлисда "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Сирдарё вилоятида ижро этилишини ўрганиш натижалари кўриб чиқилди.

Мазкур қонуннинг ижро этилишини таъминлаш юзасидан вилоятда муайян ишлар амалга оширилганлиги мажлисда қайд этиб ўтилди.

Вилоят ҳудудида жойлашган иккита шаҳарча, 75 та қишлоқ ва 272 та маҳалла (шулардан 91 таси жамоатчилик асосида иш юритмоқда) фуқаролар йиғини ўз фаолиятини "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонун ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари асосида амалга оширмоқда. Улар ўз ваколатларидан келиб чиққан ҳолда, аҳолини ижтимоий-сиёсий ҳаётга кенг жалб этиш, маънавий-маърифий ишларни кучайтириш, оилаларда аҳиллик, меҳр-оқибат ва фаровонликни янада юқорироқ босқичга кўтариш, кам таъминланган оилаларга ва ногиронларга моддий ёрдам кўрсатиш, ҳудудларни ободонлаштириш ишларида бош бўлмоқдалар, шунингдек, фуқаролик институтига хос бошқа бир қанча тадбирларни уюштирмоқдалар.

Аҳолини ижтимоий муҳофаза этиш йил сайин кучайиб бораётганлиги муносабати билан фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг бу масаладаги масъуллиги ва жавобгарлиги ҳам ортиб бормоқда. "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонуннинг 6-моддасига мувофиқ, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолияти давлат томонидан қўллаб-қувватлаб келинмоқда. Хусусан, 2006 йилда ана шу мақсадга 7,8 миллиард сўм ажратилди, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида эса ажратилган пул маблағлари ҳажми 3 миллиард сўмдан ошди. Бугунги кунда вилоятда 35 мингдан ортиқ оила ижтимоий ёрдам олмоқда. Вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари учун мунтазам равишда ўқув семинарлари ва кўрик-конкурслар ташкил этмоқдалар, фуқаролар йиғинлари раисларининг илғор иш тажрибасини умумлаштириш ва оммалаштиришда яқиндан ёрдам бермоқдалар.

Масалани муҳокама этиш асносида сенаторлар ва Олий Мажлис депутатлари, шунингдек, тадбирда ҳозир бўлганлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини кучайтиришга қаратилган ишларни янада такомиллаштириш зарурлигини таъкидладилар, шу жабҳа кадрларининг ҳуқуқий билимлари ва малакаларини ошириш, қабул қилинган қонунларни ўрганиш ишларини ташкил этиш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Маънавият тарғибот марказининг вилоят бўлимлари, ўқув юртлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари иштирокида ҳар хил ўқув курслари, семинарлар ва давра суҳбатлари ўтказиш юзасидан таклиф ҳамда тавсиялар билдирдилар.

Муҳокама якунлари асосида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг қўшма қарори қабул қилинди.

Қўшма мажлисда сенаторлар, Олий Мажлис депутатлари, Сирдарё вилоятидаги халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларининг депутатлари, фуқаролар йиғинлари раислари, ҳокимликлар, вилоят адлия, ички ишлар, прокуратура органларининг, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар.

**(ЎзА)**

Халқаро анжуман

# МАРҒИЛОННИНГ ДУНЁ ТАМАДДУНИДАГИ ЎРНИ

Бугун бутун тараққийпарвар инсониятнинг нигоҳи Марғилонга қаратилган десак, муболаға бўлмайди. Фикримизни Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Ташқи ишлар, Олий ва ўрта махсус таълими вазирликлари, Ўзбекистон Республикасининг ЮНЕСКО ишлари бўйича халқаро комиссияси ҳамда Фарғона вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда ташкил этилган «Марғилон шаҳрининг жаҳон цивилизацияси тарихида тутган ўрни» мавзуидаги халқаро илмий конференция яна бир бор тасдиқлайди. Ушбу илмий анжуманга 30 дан зиёд мамлакатлардан таниқли олимлар, археологлар, тарихчилар, шунингдек, юртимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатнинг элчихоналари вакиллари ташриф буюришди.

Конференцияни Ўзбекистон Фанлар академияси президенти, академик Ш. Солиҳов кириш сўзи билан очди. Анжуман иштирокчиларини ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги вакили Анна Паолини қутлади.

Шундан сўнг конференция иштирокчилари тарих фанлари номзоди А. Анорбоев (Ўзбекистон), Абу ал Фетух Кавсар (Миср), Пьер Лериш (Франция)нинг маърузалари тингланди. Шунингдек, илмий анжуманда францияллик профессор Байрам Балчи, хитойлик олим Ван Дань, академик А. Муҳаммаджонов, испаниялик профессор Ж. М. Гурт Испагуерра, Буюк британиялик доктор Себастьян Страйд, покистонлик журналист Яр Муҳаммад Бадини ва бошқалар томонидан қилинган маърузаларда Марғилоннинг жаҳон цивилизацияси, маданияти, адабиётида тутган ўрни, тамаддунимиз тараққиётига бу шаҳар фарзандларининг қўшган ҳиссаси илмий далиллар асосида очиб берилди.

Конференция иштирокчилари кўҳна шаҳарнинг обидалари, тарихий мавзе ва масканлари ҳамда юбилей иншоотлари билан яқиндан танишдилар.

Конференция бугун Тошкентда ўз ишини давом эттиради.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЮҚОРИ СИФАТ — ЮКСАК РАҚОБАТБАРДОШЛИК КАФОЛАТИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

нади. Бундан ташқари, тажрибали таснифловчи мутахассис Ўзбекистоннинг жаҳонда эътироф этилган стандарти бўйича толанинг нави, ундаги камчиликларни аниқлаб беради.

Сертификатлаш жараёни пахта заводининг пресслаш цехидан бошланади. Бу ерда "Сифат" марказининг ҳудудий лабораториялари вакиллари прессдан чиқадиган ҳар бир той пахтадан намуна олади. Улар ўша пахта тойи ва намунани ҳудуд, пахта заводи ва пахта тойига оид маълумотларни ўз ичига оладиган штрих кодига эга алоҳида ёрлиқлар билан таъминлайди. Бундан ташқари, пахта тойлари аниқ электрон тарозида тортилади. Олинган намуналар ҳудудий лабораторияларга жўнатилади. Бу ерда намуналар яхшилаб қуритилгач, HVI тизими ёрдамида ўлчанади, сўнгра органолептик текширув учун таснифлагичга юборилади. Ҳар бир той пахта бўйича олинган маълумотлар компьютерга жойланади. Айни пайтда ҳудудий лабораториялар тола намуналарининг бир қисмини Тошкентдаги марказий лабораторияга жўнатади. Бу ерда улар яна қайтадан синовдан ўтказилади. Ноаниқликлар аниқланса, зудлик билан тўғриланади.

Пахта тойлари бўйича якуний синов натижалари "Сифат" марказининг Миллий маълумотлар базасида сақланади. Ушбу маълумотлардан ҳар бир истеъмолчи фойдаланиши мумкин. "Сифат" маркази пахтамизнинг сифати, навлари, пахта заводлари ва ҳудудлар бўйича батафсил маълумотларга эга.

Бугун "Олий" ва "Яхши" навли толанинг умумий улуши республикамизда етиштирилаётган жами пахтанинг 82 фоизини ташкил этади. Шуниси эътиборлики, толаси дағал пахта навларини экишга йўл қўймасликка қаратилган самарали чора-тадбирлар туфайли энг асосий сифат кўрсаткичларидан бири — микронейр муаммоси деярли тўлиқ ҳал этилди. Айни пайтда жаҳон бозорида талаб этиладиган пахта ҳажмининг 99,8 фоизини олий навли Ўзбекистон пахтаси ташкил этади.

Республикамизда ташкил этилган селекция навларини танлаш, ҳудудларга мосини экишни қатъий назорат қилиш, фермерларга амалий ёрдам кўрсатиш, пахта тозалаш саноатини модернизация қилиш, шунингдек, толани таснифлашнинг замонавий тизими унинг юқори сифатини кафолатлаб, юксак рақобатбардошлигини таъминламоқда.

**ЎзА мухбири Анна ИВАНОВА**
**ёзиб олди.**

## Онажоним — табиат



- *Одамнинг саломатлиги ташқи шароит билан чамбарчас боғлиқ.*

**Абу Али ибн СИНО.**

- *Ўрмонларни йўқотувчи кишилар жамиятимизнинг душманларидир.*

**ЦИЦЕРОН.**

- *Сердарахт қишлоқда бемор кам бўлади.*

**Мақол.**

# ЯШИЛ БОЙЛИК

### уни авайлаб-асраш, кўпайтириш бизнинг бурчимиз

Ўрмон — етти хазинанинг бири, хосияти беадад. Масалан, қурилишни, қолаверса, қоғоз саноатини ўрмон хом ашёсисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Яна бир жиҳати, ўрмонлар ҳайвонот ва наботот оламини келажак авлодга етказувчи кўприк ҳамдир. Шунингдек, биз инсонларни мусаффо ҳаво билан таъминловчи манбадир. Яъни, ўрмонлар инсон учун зарур бўлган кислороднинг 60 фоизидан ортиғини ишлаб чиқаради. Бошқача айтганда, бир гектар майдондаги 10-12 йиллик дарахтзор йил давомида ўртача 50 тонна атрофида чангни тутиб фильтрлайди, 3 тонна кислород ишлаб чиқаради ва 4-5 тонна карбонат ангидрид газини ютади.

Халқимизнинг "Бирни кессанг, ўнни эк", "Эртага қиёмат дейишса ҳам, кўчат эк" каби панд-насиҳатлари замирида теран ҳақиқатлар ётибди.

Маълумотларга қараганда, республикамиз ўрмон ва ов хўжаликларининг умумий майдони 85327 минг гектар бўлиб, шундан 2379,5 минг гектари ўрмон билан қопланган. Бу мамлакатимиз умумий майдонининг 5,4 фоизига тенг. Тўғри, бошқа давлатлар билан таққослаганда, яшил майдонларимиз нисбатан камроқ. Бироқ мустақиллик йилларида соҳа ривожига алоҳида эътибор қаратила бошлангач, юртимизда ўрмонлар майдони йилдан-йилга кенгайиб боряпти. Бунда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси тизимидаги хўжаликлар ўрмончиларининг муносиб хизмати бор. Жумладан, Тошкент ўрмон хўжалиги ўрмонбегиларининг ҳам.

Биз бежиз бу хўжалик ҳақида тўхталаётганимиз йўқ. Негаки, бош бошқарма мутахассисларининг эътироф этишларича, пойтахт вилоятидаги мазкур хўжалик кейинги йилларда илғор хўжаликлар қаторидан жой олди. Савол туғилади: қандай қилиб?

— Халқимиз — боғбон халқ, элимиз — соҳибкор, — дейди хўжалик раҳбари Ҳамроқул Холиқов мулоҳаза юритиб. — Президентимиз айтганидек, дўпписида сув ташиб бўлса ҳам дарахт кўкартиради. Оилада ўғил дунёга келса, терак экиш кўп йиллик анъана. Давлатимиз томонидан соҳага қаратилаётган эътибор ана шу эзгу амалларни янада жонлантириб юборди. Мустақилликнинг илк йиллари экилган тераклар етилиб, ёғочтахта сифатида халқимизнинг бу маҳсулотга бўлган эҳтиёжини қондиришга хизмат қилаётир. Биргина бизнинг хўжалигимизда йилига ўртача 650-700 куб метр ёғоч тайёрланяпти.

Тошкент ўрмон хўжалигининг умумий майдони 4127 гектар, ўрмон билан қопланган қисми эса 1639 гектарни ташкил этади. Ҳар йили 5-6 гектар тошлоқ ва ташландиқ ерлар ўзлаштирилиб, 25-30 гектар майдонда янги ўрмонзорлар барпо қилинаётгани туфайли бундай майдонлар ҳажми тобора кенгайиб бораётир. 5 гектар ердаги кўчатхонада эса 100-150 минг туп ўрнига 200-250 минг туп мевали, манзарали ва игна баргли кўчатлар етиштирилиб, буюртмачиларга етказиб берилмоқда.

— Ўрмон чинакамига хазина, гап ундаги бойликни топа билишда, — дея сўзида давом этади ўрмонбеги. — Бойлик эса меҳнат ва изланиш ортидан келади. Масалан, ёш ниҳоллар парваришланаётган майдон 60-70 гектар. Табиийки, уларнинг тагини юмшатиб, ўғитини соламиз, сувини тараймиз. Ўйлаб кўрсак, шу меҳнат эвазига қўшимча даромад олишимиз мумкин экан. Яъни, қаторлар орасига экин-тикин қилишни йўлга қўйиш орқали. Шу усул натижасида 2005 йилнинг ўзидаёқ 20 гектар майдонда ғалла етиштириб, ўртача 36,2 центнердан дон, сабзавот экинларининг ҳар гектаридан 150 центнердан ҳосил олдик.

Ён-атрофидагилар "ўрмонбеги" деб атайдиган Ҳамроқул Холиқов хўжаликда ишни комплекс тарзда йўлга қўйган. Асосий эътиборни етиштирилган хом ашёни шу ерда қайта ишлаш, аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва турларини кўпайтиришга қаратган. Шу мақсадда 2 та ёғочни қайта ишлаш цехи, биолаборатория, иссиқхона, сунъий совутқич линияси ишлаб турибди. Цехларда хўжалик учун зарур бўлган турли ҳажмдаги тахта қутилар, эшик, дераза ромлари ва бошқа халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилади. Биолабораторияда эса йил давомида иш қизғин. Қишлоқ хўжалиги экинлари зараркунандалари учун йилига 5500-6000 грамм трихограмма, 2 миллион донадан зиёд бракон ва олтинкўз етиштириб берилади. Бу — қўшимча даромад, дегани. Ана шундай оқилона иш юритиш туфайли даромад ҳам йилдан-йилга ортиб бормоқда. Масалан, ўтган йили аҳолига пуллик хизмат кўрсатишдан 5 миллион 99 минг сўм, саноат халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришдан 5 миллион 745 минг сўм, маҳсулот сотиш ва бошқа тушумлардан эса 161 миллион 807 минг сўм даромад кўрилди. Пировардида, йил якунида 47 миллион 287 минг сўм соф фойда олиниб, рентабеллик даражаси 101 фоизга етди. Бунга ўз-ўзидан эришилгани йўқ, албатта. Чунки маълумотларда келтирилишича, 1999 йили хўжаликда атиги 521 минг сўм соф фойда олиниб, рентабеллик 15 фоизни ташкил этган эди.

— Бу йил янада кўпроқ даромад олишни ният қилганмиз, — дейди Ҳ. Холиқов. — Шу мақсадда фаолиятимизни кенгайтиряпмиз. Чорвачиликни йўлга қўйдик. 0,5 гектар майдонда ҳовуз бунёд этиб, балиқчиликка ҳам қўл урдик. Касаначилик асосида тайёрланаётган хўжалик ва гул саватлари, турли ҳажмдаги тахта қути ва ёғоч ўймакорлик маҳсулотларига талаб ортиб боряпти. Бу кўп сонли жамоамиз ишчиларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни ижтимоий ҳимоялаш имконини кенгайтирмоқда.

Пойтахт вилоятини яшилликка буркашга бел боғлаган ўрмонбеги билан хайрлашар эканмиз, "Биз ҳақимизда ёзмасангиз ҳам, ишимизни бир кўриб кетинг", деб қолди бир киши. Билсак, у хўжалик асаларичиси Александр Китаев экан. Тажрибали бу асаларичи 120 та асалари оиласини парваришлаб, ҳар йили қарийб 1000 килограмм товар асал етиштираётган экан.

— Агар республикамиздаги бошқа ўрмон хўжаликларида ҳам асаларичилик йўлга қўйилса, бозорларимиз асалга тўлиб-тошади, — дейди у чеҳраси очилиб. — Ахир, бу хўжаликларда асаларичилик учун имконият ниҳоятда катта. Ўрмонларимиздаги шифобахш гулу гиёҳлардан йиғилган болнинг эса таърифи йўқ...

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

Яхши хабар

***Мирзачўл туманидаги «Ўзбекистон» ҚФЙ аҳолиси хонадонларига тоза ичимлик суви келтирилди.***

## СУВ ҚУВУРЛАРИ ТОРТИЛДИ

Бунинг учун «Тошкент» сувдан фойдаланувчилар уюшмаси ҳудудидаги артезиан қудуқдан салкам 20 километрга полиэтилен қувурлари тортилди. Бу савобли ишни амалга оширишда ҳомийлар, фермер хўжаликларининг улуши катта бўлди.

«Гагарин маъданли суви» хусусий корхонасида эса минг метрдан зиёд чуқурликдан чиқаётган шифобахш сув хориж технологияси асосида қадоқланиб, истеъмолчиларга етказиб берилмоқда.

**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---


*Ҳурматли ишбилармон, тадбиркор хонимлар ва жаноблар!*

**Ўзбекистон Банклари ассоциацияси**
**«Универсал биржа маркази» Фарғона вилояти филиали**
**очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

**2007 йил 12 октябрь куни Фарғона шаҳри, А.Навоий кўчаси, 47-«А» уй, «Универсал биржа маркази» биносида бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига суд ижрочилари томонидан хатланган қуйидаги мулклар қайта қўйилмоқда:**

Суд ижрочиларининг Фарғона шаҳар бўлинмаси томонидан 2006 йил 28 сентябрдаги 15-06-03/11164-сонли ижро ҳужжатига асосан рўйхатга олинган, Фарғона шаҳри, М.Қосимов кўчаси, 62-уйда жойлашган «Фарғонапойабзал» АЖга қарашли бино ва иншоотлар.

Бошланғич баҳоси — 32 258 410 сўм.

12 октябрдаги савдода сотилмай қолган мулклар 2007 йил 16, 19, 23, 26 ва 30 октябрь кунлари қайта савдога чиқарилади.

Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризалар ва закалат пулларини қабул қилиш савдодан бир кун олдин соат 15.00 да тўхтатилади.

Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан, шунингдек, савдога қўйилган мулклар билан танишиш истагида бўлганлар қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:

**Фарғона ш., А.Навоий к., 47-«А» уй, Ўзбекистон Банклари ассоциацияси «Универсал биржа маркази». Телефонлар: 226-95-98, 226-45-48.**

**Лицензия серияси ДВ 001 №000010.**


---

## Ислоҳот одимлари

***Ирригация бўйича бош конструкторлик бюроси қўшма корхонасида замонавий металл полимер қувурлар ва бириктирувчи деталлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Улардан халқ хўжалигининг турли тармоқларида фойдаланиш мумкин. Бундан ташқари, ишлаб чиқариш цехларидан бирида харидоргир, экологик тоза ва қулай ип-газлама қўлқоплар тайёрлаш ҳам йўлга қўйилди.***



# БИР КОРХОНАНИНГ НОЁБ МАҲСУЛОТЛАРИ

Ўзига хос хусусиятга эга, узоқ муддатга ярокли, юқори даражадаги кимёвий моддалар таъсири ва атроф-муҳит ҳароратига чидамли ушбу қувурларни ишлаб чиқариш полиэтиленни электрон нурлантиришга асосланган. Бу жараён натижасида молекуляр занжирларни бирин-кетин «улаш» содир бўлади. Натижада, маҳсулот юқорида таъкидланган хусусиятларга эга бўлади. Масалан, металл полимер қувурлардаги алюминий фольга туфайли юзага келган диффуз тўсиқлар ажойиб техник ечим бўлиб, иситиш тизимининг қимматбаҳо ва зарурий элементлари (қозонлар, иссиқлик алмашувчи мосламалар, насослар, радиаторлар)ни кислород таъсиридан ишончли тарзда ҳимоялаш имконини беради.

Қўшма корхона мутахассисларининг изоҳ беришларича, замонавий қувурлар ички диаметри 12 дан 25 мм. гача ва ташқи диаметри 16 дан 32 миллиметргача ўлчамда ишлаб чиқарилади. Улар Цельсий шкаласи бўйича 120 даражагача бўлган иссиқликка ва 15 бар босимга чидамлидир.

Уларни қўллаш соҳаси турли-туман — тураржой, маъмурий бинолар ҳамда саноат корхоналарининг иссиқ ва совуқ сув таъминотида, радиаторли ва пол ости иситиш тизимида, очиқ майдонларни, стадион, бассейнларни иситишда ишлатилади. Айни пайтда оранжерея ва иссиқлик хўжаликларида ҳам қўл келади.

Янги қувурларни ўтказиш очиқ ва ёпиқ усулларда амалга оширилиши мумкин. Айни чоғда бу турдаги қувурларнинг қайишқоқлиги уларни анъанавий ва замонавий «коллектор» схемаларини ўтказишда ҳам ишлатиш имконини беради.

Қувурлар монтажи техник жиҳатдан мураккаб эмас: штуцер, кесилган халқа ва устки гайкадан ташкил топган компрессионги махсус жез фитинглар ёрдамида амалга оширилади. Монтаж компрессионг турдаги учлик ва прессфитинг ёрдамида ҳам бажарилиши мумкин.



Янги маҳсулот Фарғона водийси ҳудудларига, қадимий Самарқанд, Тошкентга ҳам етказиб берилмоқда.

Шунингдек, ирригация бўйича бош конструкторлик бюроси қўшма корхонаси устахонасида шу йилнинг етти ойи мобайнида 656 миллион сўмлик ип-газлама қўлқоплар ишлаб чиқарилди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 10 баравар кўпдир.

Қўшма корхона директори Вадим Муратовнинг сўзларига кўра, жорий йилнинг тўртинчи чорагида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми икки ҳисса кўпаяди. Белгиланган вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш учун корхонада 200 дан ортиқ янги иш ўрни ташкил этилди, зарур ҳажмда хом ашё тўпланди, ишлаб чиқариш жараёни эса яхши йўлга қўйилди.

Ҳозирги кунда цехда кунига 45 минг жуфт қўлқоп ишлаб чиқарилмоқда. Улар республикамизнинг қурилиш ташкилотлари ва фермер хўжаликларида, саноат корхоналари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларида кенг қўлланилмоқда.

**Усмон УСМОНОВ.**

*Қўшма корхона маҳсулотларига қизиққан шахслар уларни харид этиш юзасидан қуйидаги телефон рақамларига мурожаат этишлари мумкин: 248-10-19, 248-15-01. Факс: 248-10-03.* t

---


*Кредиторлар диққатига!*

**Китоб «Пилла» масъулияти чекланган жамияти**

**(СТИР 200694588, хуқуқий манзили: Қашқадарё вилояти, Китоб шаҳри, Генерал Жўрабек кўчаси)**
**Қашқадарё вилояти хўжалик судининг 18-0706/875-сонли иш бўйича 2007 йил 17 август куни қабул қилган ҳал қилув қарори билан банкрот деб топилган ва қарздор корхонага нисбатан тугатишга доир иш юритиш бошланган.**

Қашқадарё вилояти хўжалик судининг ҳал қилув қарори билан тугатиш бошқарувчиси этиб Холмуродов Шавкат Бўриевич тайинланган.

Кредиторларнинг қарздорга талаблари тугатиш бошқарувчиси томонидан қуйидаги манзилда қабул қилинади:

**Китоб шаҳри, Генерал Жўрабек кўчаси, «Пилла» МЧЖ маъмурий биноси.**
**Телефон: 8 (375) 526-45-75.**
**Факс: 8 (375) 522-83-83.**

Кредиторлар талаблари мазкур эълон чиққан кундан бошлаб икки ой давомида қабул қилинади.

Қарздор корхона — Китоб «Пилла» МЧЖ кредиторларининг биринчи умумий йиғилиши 2007 йил 12 сентябрь куни соат 10.00 да Китоб тумани «Пилла» МЧЖ маъмурий биносида ўтказилади.

**Йиғилишда қуйидаги масалалар кўрилади:**

1. **Аудиторлик ташкилотини белгилаш тўғрисида.**
2. **Баҳоловчини белгилаш тўғрисида.**

1340R/1638


---

## Тадбиркор қурган сиҳатгоҳ

***Ғайратбек Абдуллажонов Андижон шаҳридаги «Зам-зам медсервис» масъулияти чекланган жамияти қошида Диагностика ва соғломлаштириш маркази ташкил этди.***

«Саломатлик-2» давлат дастури талабларига тўла жавоб бера оладиган ушбу марказ қурилишига 60 миллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди.

Сиҳатгоҳ кунига 150 нафар беморга хизмат кўрсатиш имконига эга.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---


**ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИНИНГ «УНИВЕРСАЛ БИРЖА МАРКАЗИ» МЧЖ**

**2007 йил 9 октябрь куни соат 11.00 да**
**Ўзбекистон Банклари ассоциацияси биносида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига қуйидаги мулкни қўймоқда:**

**Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани суд ижрочилари бўлими томонидан 2007 йил 9 августдаги 10237/2-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган, Тошкент шаҳри СВОЖ ва ЖДЛКК бошқармасида сақланаётган, давлат рақами 30L78-70 бўлган, 1995 йилда ишлаб чиқарилган «Мерседес-Бенц-220» русумли автотранспорт воситаси.**

**Бошланғич баҳоси — 10 441 612 сўм.**

*Ушбу мулкни суд ижрочилари иштирокида бевосита жойига чиқиб кўриш мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар тўлов ҳужжатида мулк номи, ижро ҳужжат рақами ва санаси кўрсатилган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида закалат пулини Ўзбекистон Банклари ассоциацияси «Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банки «Автотранспорт» филиали «Альянс» минибанкидаги МФО 00417, СТИР 204325773, 20208000804234776001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва савдодаги мулкни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Аризалар ва закалат пулларини қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан тўлиқроқ маълумот олишни истаганлар қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:*
***Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев кўчаси, 1-уй.***
***Телефонлар: 138-69-94, 138-69-93.***

*Лицензия DB001-000010.*

**АНИҚЛИК КИРИТАМИЗ**

**«Халқ сўзи» газетасининг 2007 йил 5 сентябрдаги 176-сонида Ўзбекистон Банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ томонидан берилган эълондаги «2007 йил 21 октябрь куни соат 11.00 да Ўзбекистон Банклари ассоциацияси биносида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига қуйидаги мулк қайтадан қўйилмоқда» деган сатр «2007 йил 21 сентябрь куни соат 11.00 да Ўзбекистон Банклари ассоциацияси биносида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига қуйидаги мулк қайтадан қўйилмоқда» деб ўқилсин.**

1336R/1634


---

**ЖАҲОН** 24 соат ичида

## Тинчликка хизмат қилади

***Россия ва Австралия атом энергиясидан тинч мақсадлар йўлида ҳамкорликда фойдаланиш тўғрисидаги шартномани имзоладилар.***

Австралия ташқи ишлар вазирлиги берган маълумотга қараганда, ушбу мамлакат Россияга йилига бир миллиард долларлик уран хом ашёси етказиб беради. Бу эса янги реакторлар қуришни режалаштираётган «Росатом»нинг уран хом ашёсига бўлган барча эҳтиёжларини қондириш имконини беради. Россия тарафи урандан фақат тинч мақсадлар йўлида фойдаланилишини кафолатламоқда.

## «Фитоу» келтирган офат

***«Фитоу» тўфони Япониянинг Хонсю оролларига етиб келди. Сўнгги маълумотларга қараганда, бир киши қурбон бўлган, уч киши дом-дараксиз йўқолган.***



Бундан ташқари, 49 киши турли даражада жароҳатланган. Мамлакатдаги бир қатор авиакомпаниялар табиий офат туфайли авиақатновларни вақтинчалик бекор қилди. Ҳозирда оролдаги 20 мингта хонадон электр энергияси таъминотидан узилиб қолган. Кучли шамол тармоққа жиддий зарар етказди. Айни пайтда сув тагида қолиши мумкин бўлган ҳудудлардан аҳоли эвакуация қилинмоқда.

## Синов муддати кечиктирилмоқда

***Американинг «Боинг» авиакомпанияси ўзининг янги турдаги «787 Dreamliner» самолёти синовини яна кечиктирди.***

Мазкур самолётни яратиш устида олиб борилаётган ишларга масъул Майк Блэр айни пайтда синов парвозлари қачон амалга оширилиши тўғрисида аниқ бир нарса дейиш қийинлигини, бироқ жорий йил охирига қадар ушбу самолёт самога дастлабки парвозларини бошлашини маълум қилди.

Таъкидлаш керакки, мазкур ҳаво лайнери синови турли сабабларга кўра, бир неча маротаба қолдирилди. Шу боис, буюртмачиларга «787 Dreamliner»ни ўз вақтида етказиб бериш кечиктирилмоқда. Ҳозирга қадар «Боинг» мазкур русумдаги самолётларни етказиб бериш юзасидан 116 миллиард долларлик шартнома имзолади.

## Жарима тўлашади

***Греция ҳукумати Швециянинг «Ericsson» компаниясининг мамлакатдаги филиалини 7,36 миллион евро миқдорида жаримага тортди. Телекоммуникация хизматларини амалга оширадиган мазкур компания мамлакат бош вазири ва унинг хотини, шу билан бирга, бир қатор вазирларнинг мобиль телефонларини яширин тарзда эшитганликда айбланди.***

## Вакилнинг билдиришича...

***Сурия Мудофаа вазирлиги вакили мамлакат ҳаво кенгликларига бостириб кирган Исроил қирувчи самолётига қарши ўт очилганини билдирди.***



Мазкур самолёт мамлакат шимолидан кириб келган ва шарқ томон ҳаракатланган. Вакилнинг сўзларига кўра, қирувчи самолёт чўл ҳудудига бомба ҳам ташлаган, бироқ бундан ҳеч ким жабр кўрмаган.

Ҳозирга қадар Исроил тарафи ушбу маълумотга изоҳ беришни рад этмоқда.

## Ҳарбийлар сони кўпайтирилади

***Яқин ҳафталар ичида Ироқда Америка ҳарбийлари сони 172 минг нафарга етади. Бу ҳақда Пентагон вакили, генерал-майор Ричард Шерлок журналистларга маълум қилди.***

Унинг сўзларига кўра, америкалик ҳарбийлар ротацион тартибда алмаштирилмоқда. Шу сабаб, янги жўнатилаётган ҳарбийлар мазкур мамлакатга жойлашиб олгандан сўнг контингент сони яна 160 минг нафарни ташкил этади.

Таъкидлаш керакки, АҚШ қўшинлари Ироққа бостириб кирганидан буён 3742 нафар америкалик ҳарбий ҳалок бўлди, 27,7 минг нафари жароҳатланди.

## Лучано Паваротти вафот этди

***Таниқли опера қўшиқчиси Лучано Паваротти 71 ёшида вафот этди.***

Италия Янгиликлар агентлиги — «ANSA»нинг хабар беришича, хонанда 2006 йилда ошқозон ости бези саратони касаллигига чалинган эди. Чоршанба куни унинг аҳволи бирдан ёмонлашди.

Бетакрор овоз соҳибининг вафоти муносабати билан Зальцбург шаҳрида ўтказилаётган йирик Европа мусиқа фестивалида қора байроқ илинди. Болгария миллий радиоси эса кун бўйи Паваротти ижросидаги тароналарни берди.

**Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.**

---


**«ХОРАЗМГЎШТСУТСАВДО»**
**очиқ акциядорлик жамиятини**
**тугатиш жараёни**
**Хоразм вилояти хўжалик судининг 2007 йил 18 июлдаги 22-05.05-3740-сонли иш қарори билан давом эттирилади.**

***Шу сабабли жамият кредиторлари йиғилиши 2007 йил 20 сентябрь куни соат 10.00 да ўтказилади.***

**КУН ТАРТИБИ:**

1. **Жамиятга янги тугатув бошқарувчисини тайинлаш.**
2. **Ҳокимият балансига топширилган мол-мулкларни қайтариб олиш ва кредиторларни таклиф қилиш.**
3. **Бошқа масалалар.**

*«Хоразмгўштсутсавдо» тугатув бошқарувчиси А. Джапбаров.*

**Манзил: Урганч ш., Ал-Хоразмий к., 23-уй, 3-қават, 325-хона. Телефонлар: 226-40-62, 512-65-54.**

Туйғу

***Ўтмишга боқиб, келажакка назар ташлаш лозим. Шунда инсон «Биз қандай яшадик, ҳозир қандай яшаяпмиз, эртага ҳаётимиз қай тарзда кечади?» деган ўта жўн, шунинг билан бирга, жуда муҳим саволларга бир қадар жавоб топади. Жумладан, она замин, она тупроқ, она-Ватан, ота қариндош, пушт, шажара — бутунлик касб этиб, турмуш мазмуни-моҳиятини белгилаб беради. Унда даврга, борлиққа, ижтимоий муносабатларга нисбатан хулосалар шаклланади.***

# ФАХРУ ИФТИХОРИМСАН, ВАТАН!

— Ўтган асрнинг 80-йиллари эди, — дейди филология фанлари номзоди, тилшунос олим Зиёдулла Ҳамидов. — Шанба кунимиди, фильм кўришга ҳамкасблар билан кинотеатрга боргандик. Бир чоғ нотаниш кишилар атрофимизни ўраб олишди. «Нега шу пайтда кино кўрасизлар?» деб сўроққа тутишди. Ҳаммамизнинг исму шарифимизни ёзиб олиб, бир-икки дакки бериб қўйиб юборишди. Ўша куни кўрган киномиз бир томон бўлди-ю, ўзимиз текин томошага айланиб қолганимиз бир тараф бўлди. Ўшанда жуда қаттиқ хўрланганман, бу воқеадан чуқур изтироб чекканман. Инсонманми, деган савол бўғзимга тиқилган. Ахир, куппа-кундуз куни, кинотеатрда маънавий озуқа оламан, деган инсонларни ушлаб олиб, тергаб, қандайдир қоғозларга қўл қўйдириш — даҳшат... Мен ўша кунлардан ўла-ўлгунимча норозиман. Одам ҳаётдан ё рози, ё норози кетиши керак. Бошқача бўлиши мумкин эмас. Гарчанд хўрланган бўлсам-да, вазифасини мажбурият нуқтаи-назаридан бажарган кишиларни кечирганман, лекин даврни, шўролар исканжасини, маънавий зулмни кечирганим йўқ.

Ҳозир мендан «Бугундан розимисан?», деб сўрасалар, бош эгиб, тупроқ ўпиб «Мингдан-минг розиман» дейман. Шунинг баробарида бу тинчликни, хотиржамликни бунёд этган Юртбошимизга, давлатимизга ташаккур дейман. Сабаби, замоннинг беназир неъмати — тинчлик ва хотиржамликдир. У ҳам битта-битта ғишт терган мисоли бунёд этилади. Шу боис, тинчликни барпо этиш нақадар мушкуллигини таъкидлаб, агар у барпо этилса, инсон учун хайрли ва эзгу замон шудир деб бaралла айтаман. Шу маънода менинг бахтим — бугун юртимизда ҳукм сураётган осудаликда, тинч ухлаб, хотиржам уйғониш имконини берган озод юртда — умрим бор экан — яшаётганлигимдадир.

Ҳа, ҳар бир кўнгилнинг ўз оҳанги бор, ҳар инсоннинг туйғулари ўзига хос. Бинобарин, кимдир хотиржам, таҳликасиз, ҳаловатли кунларни, бошқа биров тўю базмларни, қайсинисидир айни пайтдаги бунёдкорликни, яна бири чойхонаю гапу гаштакларни, кимдир эса тадбиркорлик орқасидан ҳалоллаб топган ақчасини ўзининг бахтига қиёслайди, ўхшатади, менгзайди. Лекин қувончу шодлик, фахру ифтихор, ҳаловат ва бойлик, оилага, фарзандга муҳаббат, бари-бари жиддий, ўзгармас, бебаҳо ҳақиқат моҳиятига бориб тақалади. Бу ҳам бўлса — Мустақиллик.

Демак, Тинчлик деган улуғ бахт бунёдида унинг оловли, қайноқ қўлларининг тафти бор. Ҳар бир бахт сўзининг жарангида эса унинг ёрқин акси, бетакрор садоси мавжуд.

**А. ҚУТБИДДИНОВ ёзиб олди.**

***Хабарингиз бор, яқинда Самарқанд шаҳрида “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивали бўлиб ўтди. Унда дунёнинг турли қитъаларидан келган меҳмонлар юртимиз санъатидан ҳам баҳраманд бўлишди. Айниқса, халқона оҳанглар доимгидек мароқ билан тингланди.***

***Бугунги миллий эстрадамизда халқона оҳангларда куйловчи санъаткорлар кўпчиликни ташкил этади. Бошқа хонандалар ижодида ҳам баъзан бу оҳанглар етакчилик қилади. Бунга сабаб, қўшиқчилигимизнинг улкан маънавий мактаб эканлигидир.***

Санъат

# ҚАДИМ ЮРТГА ҚАЙТГАН НАВОЛАР

— Санъатимиз тарихи чуқур илдизга эга, — дейди Урганч маданият ва санъат коллежи директори Дурдибой Каримов. — Ҳатто, “Авесто” китобининг байтлари ўша даврлардаёқ театрлаштирилган услубда — мусиқа, қўшиқ, рақс жўрлигида ижро этилгани ҳақида маълумотлар бор. Буни ижро этган аёллар қадимий мусиқа йўналишларининг бизгача етиб келишида муҳим ўрин тутишган. Халфалар деб юритилувчи бундай лапарчилар биргина лазгининг бир нечта йўналишларини билган. Сурнай лазгиси, дутор лазгиси, бўломон, бахши, масхарабоз лазгилари бизгача етиб келган. Бундан ташқари, ҳар бир истеъдодли хонанда ўз «Лазги»сини ярата олсагина, машҳурлик шоҳсупасини эгаллаган.

Ўтган аср бошларида, жумладан, Хоразм қўшиқчилик санъати тарихи ҳам икки йўналишда давом этди. Биринчиси Хоразм мақомлари таъсирида шаклланган бўлса, иккинчиси қадимий халқ қўшиқлари ва достонлари таъсирида ривожланган. Ушбу кўҳна оҳангларда дўстлик, садоқат, муҳаббат, ҳаёт ва Ватанни, ота-онани қадрлаш каби туйғулар улуғланган.

Кейинги санъаткорлар авлоди эса суворaларни замонавийлаштирди, яшартирди. Ҳозир ҳам мақомлар, ферузлар, суворалар санъат ихлосмандларининг севимли санъати ҳисобланади. Ўтмишда ана шу санъат йўлларини маромига етказиб ижро этолмаганлар санъаткор ҳисобланмаган.

Юртимиз қўшиқчилигида ўзига хос мактаб яратган яна бир устоз санъаткор Комилжон Отаниёзовдир. У киши хонандаликда торни биринчи бўлиб жорий қилди. Комил Хоразмийнинг “Кимни севар ёрисан” байти билан бошланадиган қўшиғи “Лазги” тарихида янги саҳифа очган. Бу услуб кейинги кўплаб санъаткорларнинг “Лазги” йўлларига асос бўлиб хизмат қилди. Комилжон ака “Лазги”га сўз қўшиб айтган ва муқаддимасига авжни киритган. У киши Хоразм рақс усулларини ҳам мукаммал билган. Устознинг ижоди ҳали-ҳамон санъаткорларга сабоқ бўладиган катта бир тарих, десак муболаға бўлмайди. У кишининг “Ўтин тутаса эмас, ёнса оловга айланади, кимки ўзини аяса, бу корни қилмагани маъқул”, деганларининг ўзида теран маъно бор.

Ҳозир ёш истеъдодларнинг ҳар тарафлама камол топиши учун ижодий муҳит яратилган. Бироқ уларнинг янада ўсиши, ҳақиқий ижодкор бўлиб етишишларига ишимиздаги айрим камчиликлар тўсиқ бўлмоқда. Масалан, ҳозирда мусиқий танқид ниҳоятда оқсаяпти. Танқид қўшиқни халқ ва давр талабларидан келиб чиқиб баҳолайди. Ашулани ҳам мазмунан, ҳам ғоявий жиҳатдан таҳлил қилиб, ютуқ ва нуқсонларини очиб беради. Танқид ёшлар учун мактаб вазифасини ўташи, санъатнинг келажагини белгилаб бериши керак.

Баъзан мусиқа дарсларини иккинчи даражали фан деб биламиз, машғулотларга жиддий эътибор бермаймиз. Ҳолбуки, боланинг санъатга бўлган меҳр-муҳаббати айни мактаб партасидан бошланади.

Ҳозир замон тез ривожланяпти. Кишилар онгида катта ўзгаришлар бўлаяпти. Шу жиҳатдан, ҳозирги ёшларнинг куй-қўшиқларида клипга эҳтиёж сезилаётгандир. Янгиликка интилиш яхши, албатта. Лекин ҳамма гап янгиликни ҳаётга қандай татбиқ этишда. Назаримизда, баъзи қўшиқчилар овозидаги камчиликларни видеоклиплар билан яширишга уринаётгандай туюлади. Видеоклип қўйилгач, тингловчининг фикри бўлинади. Қўшиққа эмас, клипга эътибор қаратади. Фикримизча, қўшиқ билан клип бир-бирини тўлдириши, яхлит бир асар бўлиши керак.



Мусиқа санъатимиз тарихи шунчалик буюкки, у билан ёшларимиз қалбида эзгу фазилатларни камол топтириш мумкин. Бизнинг санъат даргоҳимизда бу борада таълим-тарбия жараёнлари кескин янгиланган. Коллежимизда мақомчилар ансамбли фаолият кўрсатмоқда. Унга 50 нафарга яқин талаба қатнашади. Ўқув масканидаги ўзбек халқ чолғу асбоблари ансамбли ҳам довруқ қозонган. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, халфачилик — Хоразм санъатининг халққа энг яқин жанри ҳисобланади. Шуни ҳисобга олган ҳолда кўпчилик ёшларимизни бу санъат турига жалб қилдик. Шунингдек, ўқув даргоҳимизда достончилик дастасини ҳам ташкил этганмиз.

*Аммо шулар билан чекланиб қолишимиз тўғри эмас. Бу борадаги ишларимизни янада такомиллаштириш лозим. Ёшларни ҳам маънавий, ҳам маҳорат жиҳатдан пишитишимиз керак. Зеро, халқ санъаткорлардан ҳамиша яхши ашулалар кутади.*

**«Халқ сўзи» мухбири Ойбек РАҲИМОВ ёзиб олди.**

СПОРТ

## Денис ва Ирода финалда

***Бугун пойтахтимиздаги “Тошкент теннис маркази” кортларида давом этаётган Осиё чемпионати ғолиб ва совриндорларининг номи маълум бўлади.***




Ўтган йилги чемпионат ғолиблари, ҳамюртларимиз Денис Истомин ва Ирода Тўлаганова бу сафар ҳам ғолиблик шоҳсупасига жуда яқин туришибди. Кеча бўлиб ўтган ярим финал беллашувида Денис Истомин яна бир вакилимиз Важа Узоқовни 7/6(5) 7/5 ҳисобида доғда қолдириб, финал йўлланмасини қўлга киритди. Ирода Тўлаганова эса Хитой тайпейилик теннисчи И-Сун Хуанни 6/1, 6/4 ҳисобида мағлубиятга учратди.

## «Сўғдиёна» олий лигага яқинлашмоқда

***Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати биринчи лигасида 26-тур учрашувлари якунланди.***



Шуни таъкидлаш лозимки, мазкур турда меҳмон жамоаларнинг бирортаси ҳам ғалабага эришолмадилар. Саккиз ўйинда мезбонлар ғалаба қозонишди, икки учрашув дуранг натижа билан якунланди. Жиззахнинг “Сўғдиёна” жамоаси ўз майдонида “Ғаллакор”ни 6:2 ҳисобида мағлубиятга учратиб, олий лига йўлланмаси учун имкониятини анча яхшилаб олди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: “Оқтепа”—“Каттақўрғон-Д” 2:0, “Цементчи”—“Локомотив-БФК” 1:0, “ЎзДонгЖу”—“Кимёгар” 2:0, “Шўрчи Лочин”—“Хоразм” 3:0, “Машъал-2”—“Жайҳун” 1:0, “NBU-Осиё”— “ОТМК” 1:1, “Шайхонтоҳур”—“О. Акбаров” 2:2, “Зарафшон”—“Косонсой” 3:0.

Турнир жадвалида “Сўғдиёна” 61 очко билан пешқадамлик қилмоқда. “ЎзДонгЖу” 57 очко билан иккинчи, “Каттақўрғон-Д” 46 очко тўплаб, учинчи ўринда бормоқда.

## Руслан машғулотларни бошлади

***Профессионал боксннинг ўта оғир вазнида WBA (Жаҳон бокс ассоциацияси) йўналиши бўйича жаҳон чемпиони, юртдошимиз Руслан Чагаев машғулотларни бошлади.***

Хабарингиз бор, Р. Чагаев июль ойи сўнгида бетоб бўлиб қолганлиги сабабли россиялик боксчи Султон Ибрагимов (WBO — Жаҳон бокс ташкилоти) билан қўшкамарлик учун бўладиган «жанг»да қатнашолмаслигини маълум қилганди.

Сўнгги маълумотларга қараганда, Руслан Чагаев жорий йилнинг охирларида ўзининг чемпионлик камарини ҳимоя қилади.

**З. ЖОНИБЕКОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

Жараён



***«Бекобод автобус-такси саройи» масъулияти чекланган жамияти пойтахт вилоятининг энг йирик автокорхоналаридан бири ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти шароитида мазкур корхона ҳам ўз фаолиятида оғир жараёнларни бошдан кечирди.***

## ЭЛГА ХИЗМАТ-ОЛИЙ ҲИММАТ

Хусусан, бир томондан, эҳтиёт қисмлар етишмаса, иккинчи томондан эса, хусусий автотранспорт тизими билан рақобатлашиш жамоа учун осон кечмади. Ниҳоят, аввал автокорхонанинг очиқ турдаги акциядорлик жамиятига айлантирилиши, кейинроқ мулкчиликнинг масъулияти чекланган жамияти турига ўтказилиши натижасида ишчи-хизматчиларда эртанги кунга бўлган ишонч ортди. Бу ҳол, табиийки, ишда ҳам ўзгариш бўлишига олиб келди.

— Энг муҳими, ҳайдовчиларимизда ўзига бириктирилган мулкка хўжайинлик ҳисси уйғониши туфайли улар мавжуд техникаларни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш зарурлигини тушуниб етдилар, — дейди бошқарув раиси Илҳом Болтабоев.

Бугунги кунда мазкур автокорхона нафақат Бекободда, балки вилоятда ҳам энг кўзга кўринган, аҳолига намунали автотранспорт хизмати кўрсатадиган корхоналардан бирига айланган. 90 дан зиёд турли хил русумдаги автобуслар шаҳар ичкарисидаги 12 та, шаҳарлараро 6 та йўналиш бўйича аҳолининг узоғини яқин қилмоқда. 50 тага яқин енгил автомобиль эгалари эса корхона билан тузилган шартнома асосида фаолият кўрсатишмоқда.

Энг асосийси, мана шу ишларнинг самараси ўлароқ, жамоа бутунлай оёққа туриб, хусусий автотранспорт тизими билан бемалол рақобатлаша олиш имкониятига эга бўлди. Бу эса автокорхона жамоасини янада янги марраларни эгаллашга ундамоқда.

**У. АЗИЗОВ.**

**СУРАТДА:** корхона фаолиятидан лавҳа.

**Муаллиф олган сурат.** t

## Паттакесарда ҚВП

***«Термиз саноат» масъулияти чекланган жамияти бунёдкорлари мамлакатимизнинг энг жанубий нуқтаси — Паттакесар даҳасида қишлоқ врачлик пункти қуриб фойдаланишга топширишди.***

Энди қишлоқнинг 3500 га яқин аҳолиси шифо излаб ўзларидан 10-12 чақирим узоқликдаги масканларга қатнамайди.

— Биз беморлар билан эмас, бутун аҳоли — оилалар билан ишлашни, қишлоқда тиббий маданиятни юксалтириб боришни йўлга қўямиз, — дейди ҚВП мудири Меҳри Қодирова. — Чунки тани сиҳатликка кафолат дори-дармондан ҳам кўра, соғлом турмуш тарзидир.

**О. УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

Газ улгуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!

«Крокус Газ Сервис» ҚК

«Сигнал» ва «Газдевайс» ЁАЖ компаниялари гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили қуйидагиларни таклиф этади:

ЭЛЕКТРОН БЛОКЛИ (БК) МУВОФИҚЛАШТИРАДИГАН ТУРБИНАЛИ САНОАТ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ (СТГ).



Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.

Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 $м^3$, 250 $м^3$, 400 $м^3$, 650 $м^3$, 1000 $м^3$, 1600 $м^3$ гача ва ундан ортиқ.

Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Россияда ишлаб чиқарилган

«АГАТ» РУСУМЛИ, УЛЬТРАТОВУШЛИ, ЎЛЧАНАЁТГАН ГАЗ ҲАРОРАТИНИ АВТОМАТИК РАВИШДА ТЎҒРИЛАЙДИГАН



замонавий электрон газ ўлчагичлари.

Ўлчаш диапазонлари:
- «АГАТ» G-16 (соатига 0,16 $м^3$ дан 25 $м^3$ гача);
- «АГАТ» G-25 (соатига 0,25 $м^3$ дан 40 $м^3$ гача);
- «УБСГ» 001 G-4 (соатига 0,04 $м^3$ дан 6 $м^3$ гача).
- «УБСГ» 001 G-6 (соатига 0,06 $м^3$ дан 10 $м^3$ гача).
- «УБСГ» 001 G-10 (соатига 0,1 $м^3$ дан 16 $м^3$ гача).

Кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «Моштабиб» кўчаси, 7-уй. Мўлжал — Тошкент вино заводи. Тел./факс: 132-21-22, 136-39-63, 127-10-28, 127-07-72.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ

ОЛИЙ ҲАРБИЙ БОЖХОНА ИНСТИТУТИ

ҚУЙИДАГИ КАФЕДРАЛАРНИНГ ШАҲОДАТЛАНГАН ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАР ЛАВОЗИМЛАРИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:



- **Божхона назоратини ташкил этиш кафедраси:** *кафедра бошлиғи, профессор.*
- **Ташқи-иқтисодий фаолиятни давлат томонидан бошқариш кафедраси:** *катта ўқитувчи.*
- **Товарларни синфлаш ва сертификатлаш кафедраси:** *профессор, доцент.*
- **Махсус фанлар кафедраси:** *профессор, доцент, ўқитувчи.*
- **Божхона статистикаси ва ахборот технологиялари фанлари кафедраси:** *кафедра бошлиғи, профессор, доцент, ўқитувчи, дастурчи-муҳандис.*
- **Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси:** *профессор, доцент, ўқитувчи.*
- **Иқтисодий фанлар кафедраси:** *профессор.*
- **Юридик фанлар кафедраси:** *кафедра бошлиғи, профессор, доцент.*
- **Давлат ва хорижий тиллар кафедраси:** *кафедра бошлиғи, профессор, катта ўқитувчи.*
- **Ҳарбий ва жисмоний тайёргарлик, автомобиль иши кафедраси:** *кафедра бошлиғи, доцент, ўқитувчи.*
- **Ихтисос фанлар кафедраси:** *профессор, доцент.*

Танловда иштирок этиш истаги бўлган номзодлар Давлат божхона қўмитаси Олий ҳарбий божхона институтининг кадрлар бўлимига мурожаат қилишлари мумкин.

Ишга кириш истагини билдирганлар ўзлари билан паспорт, ҳарбий гувоҳнома ва олий ўқув юртини тамомлаганлиги тўғрисидаги дипломлари билан келишлари лозим.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Қозиработ 2-тор кўчаси, 118-уй, Олий ҳарбий божхона институти.
Тел.: 144-96-43, 144-56-26, 133-29-28.

Диққат!

АВТОМОБИЛЛАРНИ ГАЗ БИЛАН ТЎЛДИРИШ СТАНЦИЯЛАРИ!



Ҳурматли тадбиркор жаноблар!

Автомобилларга табиий ва суюлтирилган газ қуйиш станцияси қурмоқчи бўлсангиз: уларни лойиҳалаш, экспертизадан ўтказиш, МДҲ, Европа ва Хитой давлатлари ишлаб чиқарувчилари билан технологиялар олиш учун имтиёзли шартномалар тузиш ва бошқа масалалар бўйича юқори малакали мутахассислар хизматингизга тайёр.

Мурожаат учун манзил: Қўқон ш., А.Мамаюсупов к., 10-уй, «Газлойиҳа» институти.
Телефон: (8-373) 552-27-60. Факс: 552-46-04.

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

«Ўзагромашсервис» уюшмаси жамоаси янги техника ва технологияларни жорий этиш бўлими бошлиғи Жамил Зиятовга акаси

**Неъмат ЗИЯТОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«ИНТЕР-РОҲАТ» қўшма корхонаси жамоаси корхона бош технологи

**Шокир Қудратович КАМИЛОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 856. 24960 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;*
*Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — З. Жонибеков.
Мусаҳҳиҳ — Ҳ. Тошхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 02.30 Топширилди — 03.55 1 2 3 4 6